

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ МАРКАЗИ ва ТОШКЕНТ
ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ
ИНСТИТУТИ**

ХУЖАНАЗАРОВ ИЛҲОМ ЭШКУЛОВИЧ

**БОЛАЛАРДА ТИРСАК БЎҒИМИ ПОСТТРАВМАТИК
ДЕФОРМАЦИЯЛАРДА ДИФФЕРЕНЦИАЛ ХИРУРГИК ЁНДАШУВ**

14.00.22 – Травматология ва ортопедия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА
ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации****Contents of the of Doctoral (DSc) Dissertation Abstract**

Хужаназаров Илхом Эшкулович	
Болаларда тирсак бўғими посттравматик деформацияларда дифференциал хирургик ёндашув.....	3
Хужаназаров Илхом Эшкулович	
Дифференцированная хирургическая тактика лечения посттравматических деформаций локтевого сустава у детей	29
Khujanazarov Ilkhom Eshkulovich	
Differentiate surgical tactics of posttraumatic deformity of elbow joint in children	55
Эълон қилинган ишлар рўйхати	
Список опубликованных работ	
List of published works	60

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ МАРКАЗИ ва ТОШКЕНТ
ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ
ИНСТИТУТИ**

ХУЖАНАЗАРОВ ИЛҲОМ ЭШКУЛОВИЧ

**БОЛАЛАРДА ТИРСАК БЎҒИМИ ПОСТТРАВМАТИК
ДЕФОРМАЦИЯЛАРДА ДИФФЕРЕНЦИАЛ ХИРУРГИК ЁНДАШУВ**

14.00.22 – Травматология ва ортопедия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА
ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Tib.13 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Травматология ва ортопедия илмий-текшириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.rscs.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Ходжанов Искандар Юнусович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Меркулов Владимир Николаевич тиббиёт фанлари доктори, профессор Джураев Ахрорбек Махмудович тиббиёт фанлари доктори, профессор Золотова Наталья Николаевна тиббиёт фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	Г.И.Турнер номидаги болалар ортопедияси илмий-текшириш институти Федерал давлат бюджет муассасаси (Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази ва Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.49.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru, Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази мажлислар зали).

Докторлик диссертацияси билан Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (16 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Диссертация автореферати 2017 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2017 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

	Ф.Г. Назиров Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор
	А.Х. Бабаджанов Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д.
	А.В. Девятов Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра «ҳар йили 18 ёшгача бўлган 830 минг нафар боланинг тасодифий жароҳатлар натижасида ўлими кузатилади ҳамда ўнлаб миллион болалар жароҳатнинг оғир бўлмаган даражасидан азият чекади»¹. Болалар жароҳатлари умумий соғлиқни сақлаш тизимида болалар ҳаётини сақлаш билан бевосита боғлиқ бўлган муҳим муаммолардан бири ҳисобланади. Жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида БМТ томонидан болаларни бундай жароҳатлардан ҳимоялашнинг барча чораларини кўришни талаб қилувчи бола ҳуқуқлари Конвенциясининг ратификация қилинишига қарамасдан болаларнинг жароҳатланиши ҳамон кузатилмоқда. Тирсак бўғими (ТБ)даги жароҳатлар ёш болаларда кўп учрайди ва барча ҳаракат-таянч аъзолари жароҳатлари ичида 40–50% ни ташкил этади. Кўпгина ҳолларда тирсак бўғимини синишлари деформация ва контрактуралар юзага келишига, бу ўз «навбатида болаларни ногиронликка олиб келади»². Ёш болаларда синишларни хирургик даволаш усуллари такомиллаштирилиб, кўплаб ютуқлар қўлга киритилсада, «посттравматик деформацияларнинг келиб чиқиши ҳамда болаларда тирсак бўғимининг ҳаракатланиши чегараланиши 10–70% ҳолатларда учрайди ва кўпинча болалар ногиронлигига олиб келади».³⁴

Юртимиз мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатилишини тубдан янгилаш юзасидан кенг қамровли дастурий тадбирлар амалга оширилди, соғлиқни сақлаш тизимининг самарали модели жорий этилди ва ижобий натижаларга эришилди. Амалга оширилган тадбирлар ҳамда қўлга киритилган ижобий ютуқлар натижасида мамлакатимизда «охирги 5 йил мобайнида болалар жароҳати асоратлари сони 6,7% гача камайтирилди».⁵

Жаҳон миқёсида замонавий болалар травматологияси ва кичик ёшдаги болаларда дастлабки синишларни хирургик даволашнинг каминвазив усуллари ривожлантириш даволашнинг узок натижаларида операциядан кейинги асоратлар, айниқса, ТБ бўғим атрофи ва бўғим ичи синишларини камайтиришга йўналтирилган. Болаларда бўғим атрофи ва бўғим ичи синишларидан кейин келиб чикувчи ТБнинг варусли ва вальгусли посттравматик деформациялари кўп учровчи асоратлар сирасига киради.

1 Всемирный доклад о профилактике детского травматизма. Женева: Всемирная организация здравоохранения, 2008.

2 Солдатов Ю.П., Ларионова Т.А., Овчинников Е.Н. Восстановление функции локтевого сустава у больных с последствиями травм. //Сб. матер. Всероссийской научно-практ. конфер. «Новое в травматологии и ортопедии», Самара, 2012. С. 85-86.

3 Меркулов В.Н., Багомедов Г.Г., Крупаткин А.И. Переломы головочки мыщелки плечевой кости и их последствия у детей и подростков / Рязанская областная типография. – Рязань, 2010. –136 с.

4Giovanni L. D., Alessandro M., Camilla B. et al. Outcomes after surgical treatment of missed Monteggia fractures in children //Musculoskeletal Surgery. – 2015. - Vol.99, №1. – P. 75-82.

5Ходжанов И.Ю., Хужаназаров И.Э. / Наш опыт хирургического лечения детей и подростков ложным суставом головки мыщелка плечевой кости с вальгусной деформацией локтевого сустава. // Травматология и ортопедия России. 2007; №4 (46). – С. 54-57.

Муаммонинг долзарблиги шундан иборатки, бугунги кунга қадар дастлабки бўғим атрофи ва бўғим ичи синишлари, шунингдек, ТБ посттравматик деформацияларини келтириб чиқарувчи деформациялар даражаси аниқланмаган, даволашда деформацияларнинг бошқа турлари (антекурвацион, рекурвацион, ротацион, кўп текисли) ҳисобга олинмайди, ТБ варусли деформациясида «дўнглик усти» синдромининг намоён бўлишига эътибор қаратилмаган. Адабиётлар маълумотлари таҳлилида «дўнглик усти» синдроми ва периферик нейроваскуляр ўзгаришлар билан тирсак бўғими контрактураси каби тирсак бўғимининг «асоратланган» варус деформациялари ҳақидаги маълумотлар етарли эмас. Оператив коррекциядан кейин дўмбоқ усти латерал қисмида бўртма қолиши ҳам ёмон косметик натижалар сирасига киради. Бу янги ташхислаш концепцияларини аниқлаш ва бу болаларда ТБ посттравматик деформациялар асоратланган шаклини хирургик коррекциялашнинг самарали йўллари ишлаб чиқиш заруратини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 ноябрдаги ПҚ–1652-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2014 йил 19 февралдаги ПҚ–2133-сон «Соғлом бола йили» давлат дастури тўғрисида»ги Қарорлари, 2015 йил 10 декабрдаги Ф–4577-сон «Соғлом она ва бола йили» давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойиши ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи¹.

Болаларда ТБ деформацияларини оператив коррекциялаш ва ташхислаш натижаларининг самарадорлигини оширишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Department of Orthopedics, Malmö University Hospital, Malmö (Sweden), University of Texas Health Sciences Center, San Antonio, (Texas, USA), Investigation performed at the Department of Orthopaedic Surgery, Hirosaki University School of Medicine, (Aomori, Japan); Department of Orthopaedic Surgery, Keio University School of Medicine (Tokyo, Japan);

¹Nestorson J, Josefsson PO, Adolfsson L.A radial head prosthesis appears to be unnecessary in Mason-IV fracture dislocation. // Acta Orthop. 2017 Jun;88(3):315-319; Takehiko T., Shinichiro T., Toshiyasu N. et al. Supracondylar osteotomy of the humerus to correct cubitus varus: do both internal rotation and extension deformities need to be correct // J Bone Joint Surg. – 2010. - Vol.92-A. – P. 1619-1626.; Yin-Chin T., Jian-Chin Ch., Yin-Chin Fu. et al. Supracondylar dome osteotomy for cubitus valgus deformity associated with a lateral condylar nonunion in children // J Bone Joint Surg. – 2006. - Vol. 88-A. – P. 191-201.; Tina H., Stephen G. and James S. H. Monteggia type IV fracture in a child with radial head dislocation irreducible by closed means: case report // BMS Research Notes. – 2014. – Vol. 539, №7. – P. 5.; Ali M., Ehsan V., Mohammad H. E. Surgical technique: spike translation: a new modification in step-cut osteotomy for cubitus varus deformity // Clin Orthop Relat Res. – 2013. – Vol. 471. – P. 1564-1571.;

Department of Orthopaedic Surgery, Kaohsiung Medical University, (China); Department of Orthopaedics, Royal Hospital For Sick Children (Yorkhill, Glasgow, UK); Clinical Orthopaedic and Related Research, Orthopaedic & Trauma Research Center, Ghaem Hospital, Mashhad University of Medical Sciences, (Iran); Department of Orthopaedic Surgery, Pusan National University Hospital, (Pusan, Korea); Г.И.Турнер номидаги болалар ортопедияси илмий-текшириш институти федерал давлат муассасаси (Россия); Травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Болаларда ТБ деформацияларини оператив коррекциялаш ва ташхислаш натижаларининг самарадорлигини оширишга йўналтирилган жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижаларга эришилган: «тирсак бўғими варусли деформацияси «дўнглик усти синдроми», контрактураси ва периферик невровакуляр ўзгаришлар билан биргаликда кечганда янги оператив даволаш усулидан кейин даврда дўнглик ва дўнглик усти соҳасида трабекуляр суякнинг қайта шаклланиш» имкони пайдо бўлди (Ўзбекистон, Травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти¹); ТБ ҳаракатига анатомик тўсқинликлар оператив йўл билан бартараф этилиб, «оператив ҳамда консерватив даволашнинг турли усуллари яратилишига қарамасдан, дастлабки ногиронлик ҳолати камайиши кузатилмаяпти²» (Department of Traumatology and Orthopaedics, MND CRH Military Institute of Medicine in Warsaw Poland); бўғим сумкасида чандикли ўзгаришлар мавжуд бўлган тирсак бўғиминининг мустаҳкам контрактурасида «артролиз ва капсулэктомияга кўрсатма ҳисоблашади. Бўғим юзаси деформацияларида ва фиброзли анкилозда артропластика олиб борилади, елка суягининг дистал қисми деформацияси коррекцияловчи остеотомия йўли билан бартараф этилади³» (Department of Orthopedics, Beijing Jishuitan Hospital, the Fourth Medical College, Peking University, Beijing China); «елка бўғими бўғим юзи бошчаси сохта бўғимида бир вақтнинг ўзида деформацияни коррекциялаш ва сохта бўғимни бартараф этиш тавсия этилган⁴» (Chonnam National University Hospital, Gwangju, South Korea).

Дунёда болаларда тирсак бўғими деформацияларини оператив даволаш ва ташхислаш натижаларини яхшилаш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишлар асосида тадқиқотлар олиб борилмоқда: магнитли-резонанс, компьютер томографиясининг татбиқ этилиш кўламини кенгайтириш; каминвазив йўллардан фойдаланиш ва уларни такомиллаштириш; хирургик реконструкциянинг замонавий усулларида фойдаланиш; ташқи фиксация аппаратларини қўллаш.

¹Хужаназаров И.Э., Ходжанов И.Ю. /Основные тенденции при лечении посттравматических деформаций локтевого сустава у детей. //Гений ортопедии. 2015; №1. -с. 75-83.

²Matar HE, Akimau PI, Stanley D, Ali AA. Surgical treatment of Monteggia variant fracture dislocations of the elbow in adults: surgical technique and clinical outcomes. // Eur J Orthop Surg Traumatol. 2017 Apr 7. doi: 10.1007/s00590-017-1953-5.

³Wang J, Chen M, Du J. Type III Monteggia fracture with posterior interosseous nerve injury in a child: A case report. // Medicine (Baltimore). 2017 Mar;96(11):e6377.

⁴Jo AR, Jung ST, Kim MS, Oh CS, Min BJ. An Evaluation of Forearm Deformities in Hereditary Multiple Exostoses: Factors Associated With Radial Head Dislocation and Comprehensive Classification. // J Hand Surg Am. 2017 Apr;42(4):292.e1-292.e8.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунда тирсак бўғими посттравматик деформациялари (ТБПД)ни оператив йўл билан коррекция қилишда камшикастли усуллардан фойдаланишга кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Миронов С.П. ва бошқаларнинг фикрига кўра баъзан «касалликни профилактика қилиш вақти бой берилди, охир-оқибат касаллик пайдо бўлганда эса хатто қойил мақом қилиб бажарилган операция ёки бекаму кўст бажарилган консерватив чоралар ҳам беморнинг тўлиқ тузалишини таъминламайди¹. «Клиник тажрибаларнинг кўрсатишича, бола организмнинг кучли регенератив имкониятлари туфайли суяк синиқлари силжишларининг асосий қисми тўғриланади ва аксарият беморларда узоқ муддатдан кейинги функционал натижалар яхши ҳисобланади, бироқ болаларнинг ўсиши жараёнида суяк синиқларининг барча силжишлари ҳам бир хил даражада бартараф этилмайди» (Shelton J, Nixon M.²).

Понасимон, медиал очик понасимон, ромбсимон, трапециясимон, гумбазсимон ва остеотомиянинг бошқа усуллари ўз ичига олувчи деформацияларни коррекциялаш бўйича кўплаб оператив усуллар тавсифланган. «Бугунги кунга қадар спица, туткичлар, винт (бурама мурват), пластиналар, симлар ва турли конструкцияли ташқи аппаратлардан иборат турли фиксацион мосламалардан фойдаланилиб келинмоқда» (Chin K, Kozin SH, Herman M³). Барча кўрсатилганлар ичида А.В.Бабовников томонидан яратилган «елка суягининг учбошли мушаги узун бошчаси пайдан олинган суякнинг анкерли винтлар ва пай аутотрансплантантдан фойдаланилган ҳолда коллатерал пайчаларни тиклаш учун тирсак бўғими қисмида пластиканинг янги усули» муҳим аҳамият касб этди⁴, бироқ ушбу метод тирсак бўғими пронацион ва супинацион функциялари чегараланиши пайдо бўлишининг юқори хатарини кўрсатди.

«Остеотомиядан сўнг суякларнинг стабил фиксацияси етишмаслиги ва кўп шикастланувчанлиги: бўғим бўшлиғини очиш, бўғим ичи тоғайининг шикастланиши тирсак бўғими суягининг псевдоартрози, чиқишлари, деформациялари бўлган беморларни оператив даволашнинг умумий камчилиги бўлиб ҳисобланади» (Li H, Cai Q, Shen P et al.⁵). Контрактурлар оператив йўл билан даволанганда 27% ҳолатда қуйидаги асоратлар келиб чиқади: инфекциялар, учбошли мушакнинг узилиши, тирсакнинг енгил фалажланиши. Bisicchia S, Tudisco С.лар олиб борган тадқиқот натижаларига кўра «суякнинг бўғим қисми псевдоартрозлари бор-йўғи 12,4% ни ташкил

¹Миронов С.П., Оганесян О.В., Селезнев Н.В. и др. / Восстановление функции локтевого сустава при застарелых вывихах костей предплечья путем комбинированного применения артроскопической техники и шарнирно-дистракционного аппарата. // Вестник травм. и ортоп. им. Н.Н. Приорова. 2006. №1. –с. 33-36.

²Shelton J, Nixon M. An atypical case of medial radial head dislocation. // Ann R Coll Surg Engl. 2016 Nov;98(8):e165-e167.

³Chin K, Kozin SH, Herman M, Horn BD, Ebersson CP, Bae DS, Abzug JM. Pediatric Monteggia Fracture-Dislocations: Avoiding Problems and Managing Complications. // Instr Course Lect. 2016 Feb 15;65:399-410.

⁴Бабовников А.В. Новый способ хирургического лечения застарелых вывихов предплечья // Матер. сб. междунар. юбилей. научно-практич. конф. «Современные повреждения и их лечение». – Москва, 2010. – С. 44-45.

⁵Li H., Cai Q., Shen P. et al. Posterior interosseous nerve entrapment after Monteggia fracture-dislocation in children //Chinese Journal of traumatology. – 2013. – Vol. 16, №3. – P. 131-136.

этсада, нафақат асоратлар, балки даволашнинг ягона оптимал стандарти йўқлиги туфайли ушбу тоифа патологиялари билан оғриган беморларни даволаш ҳамон муаммолигича қолмоқда ҳамда хатолар ва даволашнинг қониқарсиз натижалари сони ошишига сабаб бўлмоқда»¹.

Олиб борилган адабиётлар таҳлиliga таяниб айтиш мумкинки, ТБПДни даволаш ва ташхислаш усуллари келажакда такомиллаштирилиши зарур. ТБ контрактураси ва деформацияларида атамаларга ойдинлик киритилиб (оддий деформация, асоратланган деформация ва дўнглик усти синдроми), ягона таснифи аниқланган ҳолда методологик ёндашув талаб этилади.

Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти ГР14.2.31 «Болаларда тирсак бўғими посттравматик деформациялар, контрактура ва анкилозларини даволаш» ҳамда АТСС 7.2 «Болаларда кўл ва оёқлар жароҳатлари ҳамда деформацияларини даволашнинг янги усулларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш» илмий-тадқиқот ишлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади деформация турига мос равишда тирсак бўғимининг анатомик шакли ва функцияларини тиклаш билан ташхислаш усулларини оптималлаштириш ҳамда хирургик коррекциялашга дифференциаллашган ёндашувни ишлаб чиқиш йўли орқали болаларда тирсак бўғимининг шикастланишдан кейинги деформацияларини даволаш усулларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тирсак бўғимининг бўғим атрофи ва бўғим ичи жароҳатлари оқибатлари билан бемор болаларни даволашнинг қониқарсиз натижалари ретроспектив таҳлилинини ўтказиш;

тирсак бўғими реконструкциясигача ва ундан кейин ТБПДдан ўтувчи патологик жараён характери намоён бўлиши учун текширишнинг нур усуллари ташхислаш аҳамиятини баҳолаш;

болаларда ТБПДнинг ишчи таснифини ишлаб чиқиш ва шунга асосан ташхислаш алгоритминини яратган ҳолда даволаш усулининг оптимал вариантини таклиф қилиш;

касаллик характери ва деформациянинг оғирлик даражасига боғлиқ ҳолда ТБПД бўлган беморларни оператив даволаш усулини танлаш учун ташхислаш критерияларини ишлаб чиқиш;

деформациянинг оғирлик даражасига боғлиқ равишда болаларда ТБПДни оператив даволашнинг кенг тарқалган усулларини такомиллаштириш;

¹Bisicchia S, Tudisco C. Radial Head and Neck Allograft for Comminute Irreparable Fracture-Dislocations of the Elbow. // Orthopedics. 2016 Nov 1;39(6):e1205-e1208.

оператив коррекциялашдан кейин ТБ анатом-функционал ҳолатини тиклаш учун ТБПТДни комплекс тикловчи даволаш усуллари ишлаб чиқиш;

ТБда шикастланишдан кейинги деформациялари бўлган беморларнинг анъанавий ва ишлаб чиқилган хирургик даволаш натижаларини қиёсий таҳлил қилиш;

болаларда тирсак бўғими деформацияларини хирургик коррекциялаш натижасида юзага келиши мумкин бўлган хато ва асоратларни таҳлил қилиш ҳамда уларнинг олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ТБ атрофи ва бўғим ичи синишларининг эски посттравматик жароҳатлари бўлган ҳамда ЎЗР ССВ травматология ва ортопедия ИГИда стационар шароитда даволанган 1 ёшдан 18 ёшгача бўлган 459 нафар бемор олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб тирсак бўғими посттравматик деформациялари операция қилинган бемор болаларнинг клиник ва инструментал текшириш усуллари натижалари таҳлили ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда клиник, инструментал (рентгенологик, мультиспирал компьютер томографик, ультратовушли, лаборатор), электронейромиографик, денситометрик, статистик каби текширув усуллари қўлланилган.

Тадқиқотининг илмий янгилиги:

болаларда нур текшириш усуллари верификацияси ёрдамида ТБПТДда касаллик характери намоён бўлишини башоратлашнинг аҳамияти, оғирлик даражаси ва уларнинг асоратлари ўрганилди;

тирсак бўғими оғир деформацияларини хирургик даволаш усулини дифференциал танлаш, унинг анатомик шакли шаклланиш босқичлари ва болалар реабилитациясининг барча босқичларида локомотор функцияни оптимизациялаштиришнинг клиник ташхислаш критериялари ишлаб чиқилган;

болаларда тирсак бўғими қисмида синишлардан кейинги турли деформацияларни оператив коррекциялашни танлашни оптималлаштиришга имкон берувчи ТБПТДнинг ишчи таснифи ишлаб чиқилди;

ТБПТДни босқичма-босқич коррекциялашнинг даволаш-ташхислаш алгоритми таклиф этилди;

имкон қадар қисқа муддатларда ТБ функцияси тикланиши учун оптимал шароитлар яратувчи ТБПТДни хирургик коррекциялашнинг янги усуллари ишлаб чиқилди;

ТБнинг «дўмбоқ усти синдроми» билан асоратланган варусли деформациясини хирургик даволашнинг янги усули таклиф этилди;

болаларда ТБ вальгус деформацияси бўлган ЕСБЮБ (елка суяги бўғим юзи бошчаси)нинг сохта бўғимларини хирургик даволашнинг янги усуллари ишлаб чиқилди: «ЕСБЮБнинг сохта бўғимини резекцияси, дўнгларустидан варусловчи остеотомия ва Илизаров аппаратида остеосинтез» бу янги

даволаш усули турли текисликдаги ТБнинг барча кўринишдаги деформацияларини бир вақтда бартараф этиш имконини беради.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

таклиф этилган тирсак бўғимини ташхислаш концепцияси мавжуд жароҳатни аниқ индивидуал ташхислаш, реконструктив операцияни тўғри танлаш ва рационал амалга ошириш имконини беради;

таклиф этилган дифференциал даволаш тактикасининг оптимал танлови бирламчи бўғимда фаолият юритувчи травматолог-ортопедларга тирсак бўғимида асоратланган эски синишлари бўлган бемор болалар ва ўсмирларнинг катамнез башоратини яхшилаш ва иккиламчи деформациялар ривожланишининг олдини олиш имконини беради;

тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган усуллар нотўғри битган синишлардаги тикловчи операцияларда ҳам даволаш, ҳам профилактика нуқтаи назардан юқори самарали бўлиб, бир вақтнинг ўзида деформацияни бартараф этиш ҳамда имкон қадар қисқа муддатларда тирсак бўғими биомеханикасини эрта тиклашни таъминлайди;

тирсак бўғимининг варус ва вальгус деформацияси бўлган болаларда таклиф этилган реконструктив-тикловчи операцияларни амалга ошириш амалий травматолог ва ортопедларга реконструктив операцияларнинг узок натижаларини яхшилаш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган тажриба натижалари билан мос келиши, тажриба маълумотларининг статистик таҳлил қилинганлиги, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, олинган натижалар, хулосалар ва таклифлар болаларда посттравматик тирсак бўғини асоратли деформацияларини ташхислашнинг ўзига хос жиҳатларини ўрганишда назарий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади. Ортопедияда янги технологик янгиликлар билан ташхислаш критериялари баён этилди ва клиник, рентгенологик, МСКТ ва УЗИ текширишларига асосан даволаш-ташхислаш алгоритми ишлаб чиқилиб, посттравматик тирсак бўғими деформацияларининг турли кўриниши ишчи таснифи яратилди. Бундан ташқари болаларда посттравматик асоратли тирсак бўғими деформацияларининг турли кўринишларини даволаш методларини оптимизациялаш орқали деформацияларни хирургик коррекция қилиш такомиллаштирилди. Тадқиқотнинг алоҳида натижалари талабалар, шунингдек, магистрлар, клиник ординаторлар ва курсантлар ўқув дастурлари таркиби ва мазмунини такомиллаштириш учун қўлланилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ишлаб чиқилган ва амалиётга татбиқ этилган тирсак бўғимида асоратланган деформация бўлган болаларни ташхислаш алгоритми турли кўринишдаги деформациялар ва уларнинг асоратларини хирургик коррекция қилишга дифференциал

ёндашувни аниқлаш имконини беради. Ишлаб чиқилган хирургик даволаш усуллари тирсак бўғимида посттравматик асоратли деформацияларни даволаш натижаларини яхшилайти, улардан техник жиҳатдан осон бажарилувчан бўлганлиги учун махсуслаштирилган стационарлар, вилоят ва туман тиббиёт марказларида фойдаланиш мумкин ҳамда кўп маблағ сарфлашни талаб этмайди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Ўтказилган илмий тадқиқотлар асосида болаларда тирсак бўғимининг оғир асоратланган посттравматик деформацияларини ташхислашда янги диагностик критериялар ва янги яратилган хирургик даволаш усуллари учун ихтироларга патентлар олинди: Россия Федерациясининг Интеллектуал мулк эгалиги федерал хизмати томонидан «Тирсак бўғими контрактуралари ва деформациялари диагностика усули» 2016 йил 1 августдаги №2595130-сонли ихтирога патенти ва «Дўнглик усти синдроми билан тирсак бўғими асоратланган варусли деформацияларини хирургик даволаш усули» 2017 йил 2 майдаги №2618082 сонли ихтирога патентлари, ЎзР Интеллектуал мулк агентлигининг 2007 йил 28 майдаги DGU №01287-сонли, 2007 йил 31 августдаги DGU №01354-сонли, 2011 йил 9 июндаги DGU №02217-сонли патент дастурлари. Бу яратилган ихтироларнинг амалиётга татбиқи асосида бемор болаларнинг шифохонада стационар шароитда даволаниши қисқарди ва бу даволаш тактикаси қўлланилиши асосида болаларда асоратланган тирсак бўғими посттравматик деформацияларини даволаш натижасида 84,5% ижобий натижалар олишга эришилди.

Яратилган «Новый метод лечения варусной деформации локтевого сустава у детей», «Лечение ложных суставов головки мышелка плечевой кости у детей», «Хирургическое лечение посттравматической варусной деформации локтевого сустава у детей», «Восстановительно-реабилитационная механотерапия в лечении посттравматических контрактур локтевого сустава у детей», «Хирургическое лечение вальгусной деформации локтевого сустава у детей» ўқув-методик қўлланмалар амалиётга кенг татбиқ этилди.

Диссертация тадқиқоти жараёнида ишлаб чиқилган тирсак бўғимида оғир асоратли деформациялари бўлган бемор болаларни ташхислаш алгоритми, шунингдек, тирсак бўғимида шикастланишлардан кейинги оғир асоратли деформацияларни хирургик даволаш усуллари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти болалар травматологияси бўлими клиник амалиётига, Республика болалар ортопедия маркази, Самарқанд вилояти ортопедия ва шикастланиш асоратлари шифохонасига, Навоий вилояти кўп тармокли тиббиёт марказига татбиқ этилди (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш Вазирлигининг 2016 йил 25 апрелдаги 8Н-д/30-сон хулосаси).

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари; жумладан 9 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида, муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 51 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 16 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 8 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, еттига боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Болаларда шикастлардан кейинги тирсак бўғими деформацияларини ташхислаш ва даволашнинг асосий тенденциялари**» деб номланган биринчи боби адабиётлар таҳлиliga бағишланган бўлиб, илмий изланишлар натижаларининг таҳлили, болаларда тирсак бўғими деформацияларини ташхислаш ва даволашдаги замонавий муаммолар кўриб чиқилган, коррекциялашнинг бугунги кунда мавжуд усуллари, операциянинг яқин ва узоқ муддатларида иккиламчи асоратларнинг пайдо бўлиш сабаблари баён этилган. Ушбу боб таҳлилларни умумлаштирувчи хулосалар билан яқунланади.

Диссертациянинг «**Тирсак бўғими посттравматик деформациялари бўлган беморларнинг умумий характеристикаси. Текшириш материаллари ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида клиник материалларнинг умумий характеристикасини ўзида жамлаган текширишнинг нур, биомеханик, денситометрик ва статистик усуллари тўғрисида маълумотлар берилган. Тадқиқот жараёнида бўғим атрофи ва бўғим ичи синишлари (тирсак бўғими деформацияси, асоратланган контрактуралар, суякларнинг битмаслиги, псевдоартроз, суякларнинг эски синиш-чиқишлар билан шаклланиши, параартикуляр оссификация) асоратлари бўлган ва 1998–2013 йилларда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти Болалар травматологияси бўлимида даволанган 459 нафар беморнинг текшириш ва даволаш натижалари таҳлил қилинган. Беморлар ёшига кўра таснифланганда ўғил болаларда ТБПД 327 нафар (71,2%), қиз болаларда 132 нафар (28,8%)ни ташкил этган. Ёш гуруҳларида, асосан, 3–7 ёшли (33,3%) ва 7–11 ёшли (34,0%) болалар қайд этилган.

ТБПТДнинг сабаблари қуйидагича: тирсак бўғими варусли деформацияси билан елка суягининг дўнглари усти ва дўнглари эскирган синишлари, ЕСБЮБнинг эскирган синишлари ва сохта бўғимлари, вальгус деформацияси билан эскирган Брехт ва Монтеджи жароҳатлари. Беморларда жароҳатланишларнинг турли даврларига кўра ТБ варусли деформациялари энг кўп – 245 нафар (53,4%) болаларда кузатилган ва улардан 197 нафарда (42,9%) елка суяги дўнглари синган суякларнинг нотўғри битиши кузатилган. ТБнинг эскирган Брехт туридаги синиб-чиқиши жароҳатлари Монтеджи жароҳатларига қараганда 1,5 баробар кўп учради. Билак суяги бошчаси (БСБ)нинг эски изолирланган чиқишлари бўлган 11 нафар (2,4%) бемор болалар алоҳида гуруҳни ташкил этди.

Жароҳатлар локализацияси ва характери, деформация кўриниши ва асоратнинг характерига кўра ТБПТДни даволашнинг оператив усуллари натижаларининг ретроспектив таҳлили ушбу касалликнинг ишчи таснифини яратиш имконини берди (ЎЗР 2004 йил 17 августдаги DGU 00826-сонпатенти). Барча беморлар ТБПТД кечишининг асосий жиҳатлари ҳисобга олинган ҳолда 3 гуруҳга бўлинди:

I гуруҳ. ТБПТД характери ва локализациясига кўра:

1. Елка суяги дўнглари усти синиқларининг нотўғри битиши.
2. Елка суяги дўнглари синишларининг нотўғри битиши.
3. ЕСБЮБ синишларининг нотўғри битиши.
4. Елка суяги бўғим юзи бошчаси псевдоартрози.
5. Эскирган Монтеджи жароҳатлари.
6. Эскирган Брехт жароҳатлари.
7. Билак суяги бошчасининг изолирланган эски чиқишлари.

II гуруҳ. ТБПТДнинг кўринишига кўра:

1. Вальгусли.
2. Варусли.
3. Вальгусли-рекурвацион.
4. Вальгусли-антекурвацион.
5. Варусли-рекурвацион.
6. Варусли-антекурвацион.
7. Тирсак бўғими кўп текисли деформациялари.

III гуруҳ. ТБПТД асоратлари характерига кўра:

1. Контрактуралар (енгил, ўртача, оғир даражадаги).
2. Анкилозланиш
3. Оссификациялар.
4. Нейропатиялар.

Тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган ишчи таснифга асосланиб ТБПТДни индивидуал коррекция билан оператив даволашнинг дифференциал тактикаси амалга оширилди.

Тадқиқот жараёнида деформация бурчагига боғлиқ ҳолда ҳамда клиник-рентгенологик белгиларига кўра ТБ варусли посттравматик деформациялари (I гуруҳ)нинг оғирлик даражаларини аниқлаш усули ишлаб

чиқилди ва ушбу ихтирога патент олинди (2007 йил 28 майдаги DGU 01287-сон). Унга кўра қиз болаларда физиологик вальгус меъёрда 20° гача бўлгани ҳолда бурчак деформациялар фарқланиши кузатилди. Тадқиқот давомида айрим қўшимча терминологик аниқликлар таклиф этилди. Терминологик такомиллаштириш натижасида ТБ I–II даражали варус деформациялари «оддий» гуруҳга, ТБ III даражали варус деформациялари «дўнглик усти синдроми»га ажратиш билан «асоратланган» гуруҳга киритилди (ушбу ихтиро учун 2016 йил 1 августда Россия Федерацияси Интеллектуал Эғалик Федерал хизмати томонидан №2595130-сонли патент олинган) ҳамда клиник ва рентгенологик белгиларига кўра қуйидаги симптомлар аниқланди:

- қизларда ТБ нинг 30°дан, ўғил болаларда 35°дан юқори варусли деформация ЕСнинг ташқи дўнглик устига сезиларли туртиб чиқиш билан;
- ТБ ташқи юзасида локал оғриқ;
- ташқи дўнглик соҳасида локал остеопороз.

ТБ варус деформациясини аниқлаш учун соғлом қўлдаги физиологик вальгус ва жароҳатланган қўлдаги варус деформацияси ўлчаниб, ТБ варус деформациясини ўлчаш усули таклиф этилди. Коррекция учун талаб этилган ҳажм хирургик коррекцияларни ўтказиш ва хирургик даволаш натижаларини баҳолашда ҳисобланувчи «бурчак фарқи» инobatга олинган ҳолда ўлчанди.

ЕСБЮБ сохта бўғими ва вальгусли оғишлар бўлган II A гуруҳи беморларининг иккала жинс вакилларида ҳам физиологик вальгус иштироки ҳисобланиб, ТБ шикастланишдан кейинги варус деформациясининг оғирлик даражасини аниқлаш усули ишлаб чиқилди (ЎзР Давлат Патент Идораси томонидан 2007 йил 31 августда DGU №01354-сонли патент олинган).

Тадқиқот жараёнида ТБ вальгус деформацияси билан Монтеджи эскирган жароҳатлари мавжуд болаларда деформация даражаси, бўғим юзаларининг ҳолати, БСБнинг бартараф этилмаган чиқишлари даражаси ўрганилиб, шу асосда индивидуал оператив аралашув тактикасини танлашда эътиборга олинувчи оғирликнинг уч даражаси бўйича ажратилувчи электрон дастур ишлаб чиқилди (ЎзР Давлат Патент Идорасида қайд этилиб, 2011 йил 9 июнда DGU 02217-сонли патент олинган).

Тадқиқот жараёнида қўлланилган усуллар қуйидагилардан иборат:

а) тирсак бўғими қисмида олинган жароҳатларнинг қанча муддат илгари олинганлиги ва сабабларини аниқловчи (шикоятлар, *anamnesis morbi*, *anamnesis vitae*);

б) қўлларнинг функционал ҳолатини белгиловчи: деформацияланган тирсак бўғимининг ҳаракатланиш ҳажмини баҳолаш орқали жароҳатланган ва соғлом қўлларни клиник-биомеханик текшириш;

в) текшириш ва аналитик, клиник, нур, биомеханик, денситометрик, электромиографик, статистик каби текшириш усуллари орқали ТБПТДнинг оғирлик даражаси ва локализациясини аниқлаш.

Беморлар кўпинча оғриқ, увишиш ҳисси, сезувчанликнинг ва иннервацияга мос келувчи ҳудудда ҳаракатнинг йўқолишидан шикоят қилишган. Субъектив маълумотлар таҳлилига кўра ТБда ҳаракатларнинг чегараланишидан – 366 нафар (79,8%) бемор, косметик нуқсондан – 93 нафар

(20,2%) бемор шикоят қилган. Клиник жиҳатдан тактил, оғриқли, ҳароратга сезувчанлик ҳолатлари тери қопламаси рангининг баҳоланиши ва бундан ташқари мушаклар гипотрофияси борлиги ўрганилди.


ТБПТД билан беморлар умумий сони (459 нафар)дан 245 нафар (53,4%) болада аввал ЕС дўнглари усти ва дўнглари синушлари, 123 нафар (27,0%) болада ЕСБЮБ синушлари, 80 нафар (17,3%) болада Монтеджи ва Брехт жароҳатлари, 11 нафар (2,3%) болада БСБнинг изолирланган чиқишлари кузатилган.

Кўпчилик беморларда жароҳат олингандан стационарга келиб тушгунга қадар ўтган вақт 1–3 йил муддатни ташкил этган (72%).

ТБ қиёсий кўриқдан ўтказиш (соғлом ва патологик ўзгарган) олд, орқа ва ён томонларидан амалга оширилди. Қўл ўқларининг Hueter учбурчаги ва чизиғи, Маркс чизиғи аниқланди. Бузилишлар елка ўқи эпикондилляр чизиқни унинг ўрта томонидан тўғри бурчак остида эмас, балки қийшиқ кесиб ўтганлигида намоён бўлади.

Диссертациянинг «**Тирсак бўғими посттравматик деформациялари билан беморларни текшириш усуллари натижалари**» деб номланган учинчи бобида ТБПТД билан беморларни текшириш натижаларига кўра ТБ варусли деформацияларига олиб келувчи асосий сабаб – қисмларнинг бартаф этилмаган аралашуви, дўмбоқ атрофи ва дўмбоқ усти синушларига ёпиқ репозициядан кўп маротаба омадсиз уринишлар эканлиги ёритилган. Қуйидагилар вальгус деформацияси сабаблари ҳисобланади: синган суякнинг ўсмаган қисми ўсиш ҳудудининг эрта ёпилиши; сохта бўғим аралаш юзасининг резорбция ва атрофияси; жароҳат олинган дастлабки фурсатда юзага келган ва синиқларнинг олд елка суякларининг кейинги таъсири остида бўғимларда ҳаракат натижасида катталашиб аралашиб кетиши; фиброз тўқима билан қопланган синган бўлақларнинг бўғим юзалари сўрилиши; ТБ ҳаракатида адаптацияланган суяк қисмларининг катнашиши. Бунинг натижасида ТБ ҳаракатининг бор ҳажми визуал аниқланди, бироқ бу ҳаракатлар физиологик эмас, балки патологик бўлиб, артроз ривожланишига олиб келувчи бўғим ностабилиги билан ўзаро боғланган. Инструментал текшириш натижаларига кўра ТБПТД билан беморларнинг рентгенограммасида бир вақтнинг ўзида кўп юзаларда (кўп юзалилар) елка суяги дистал қисми масофавий ҳолатида ўзгаришлар кузатилди. Шунингдек, ТБ сезиларли вальгус деформациясида аввал тирсак нерви неврити ривожланганлиги қайд этилди. Бироқ рентгенологик текширишлар ЕСБЮБ синушларининг оқибатлари ҳақида ҳамиша ҳам тўлиқ маълумот бера олмасди. ТБ контрактуралари ташхиси самарадорлигини ошириш учун тирсак бўғими тўқималари оссификациялари, тирсак бўғими тўқималари асептик яллиғланиши, тирсак бўғими артротомиясининг қўлланишини чегараловчи усул ишлаб чиқилди (Россия Федерацияси, Интеллектуал эгаллик федерал хизмати, 2595130-сон патент олинди, И.Э.Хужаназаров, Е.Н.Овчинников, Т.А.Ларионова ҳаммуаллифликда). МСКТ текширишлари ва унинг кўплаб таҳлиллари натижасида тирсак бўғими суякларининг хосил

бўлувчи патологик жараёнга жалб этилган елка суяги қатламлари кортикал қисмида унинг пасайиши билан намоён бўлувчи тирсак бўғими тўқималари минерализацияси аниқланди. Ушбу суяк тўқимаси минерал зичлиги пасайиш оператив аралашувлардан кейин тикланишга мойил бўлган. Операциядан кейинги босқичда ультратовушли ташхислаш елка суягини турли кўринишдаги коррекцияловчи остеотомиялардан кейинги даврда репаратив регенерация белгиларини аниқлаш имконини берди. Текширишнинг инструментал усуллари синишлардан кейин тирсак бўғимидан ўтувчи ТБПТДда патологик ўзгаришларни ишончли кўрсатиб берди. Нейропатиялар пайдо бўлиши 84 нафар (18,3%) беморда қайд этилди. Улардан биринчи ўринни билан нерви шикастланиши (10,2%), иккинчи ўринни тирсак нерви шикастланиши эгаллади ва нервларнинг қўшма шикастланишлари 2,2% ҳолатни ташкил этди.



1-расм. Болalarda ТБПТДнинг даволаш-ташхислаш алгоритми.

Тадқиқот жараёнида олиб борилган текширишларга асосланиб беморларни текширишларни босқичма-босқич олиб бориш имконини берувчи стандарт проекцияларда деформация оғирлик даражасини аниқлаш учун клиник ва рентгенологик усуллардан тортиб, хирургик даволашнинг дифференциал тактикасини аниқлашда ТБПТД объектив ташхисининг ахборотлилигини оширишга қодир МСКТ, ультратовушли текшириш, ЭНМГ даволаш-ташхислаш алгоритми ишлаб чиқилди. (1-расм)

Шундай қилиб, тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган ишчи дастур ва ТБПТДни даволаш-ташхислаш алгоритми жароҳатлар оғирлик даражасини объектив баҳолаш ҳамда хирургик коррекциянинг оптимал усулини танлаш имконини беради.

Диссертациянинг «Тирсак бўғими посттравматик варусли деформацияси бўлган I гуруҳдаги болаларни хирургик даволаш» деб номланган тўртинчи бобида болаларда посттравматик варусли деформациялар ва тирсак бўғими контрактураларини дифференциал хирургик даволаш натижалари ёритилган.

ТБПТД билан беморларни (245 нафар) даволашда 3 хил оператив аралашувдан фойдаланилди. Оператив аралашувнинг 1- ва 2-тури 1998–2005 йилларда даволанган ва қиёсий гуруҳни ташкил этган 143 нафар (58,4%) беморда қўлланган.


Деформацияни бартараф этиш учун ушбу операцияларга кўрсатмалар ТБ «оддий» варусли деформация (1-даража) ва варусли деформация (2-даража) сабаб бўлган ва шундай бўлиб қолмоқда:

1. 48(19,6%) нафар беморда варусли деформация бурчагини коррекциялаш ва суяк қисмларини «Х»симон фиксациялаш таянч юзали иккита Киршнер спицаларида ўтказилган ва иккита ярим ҳалқадан иборат Илизаров аппаратида қайд этиб борилиб, ЕС дўнглари усти понасимон бир текисли остеотомияси ўтказилган (Г.А.Баиров усули).

2. 95(38,8%) нафар беморда елка суягида дўнглари усти остеотомияси ўтказилди ва елка суягининг проксимал булагидан дистал қисми ташки юзасидан тишсимон усимта қолдирилди. Бу қолдирилган тишсимон усик дистал булагидан ташки қисмига киритилди Илизаров аппаратининг ярим ҳалқаси узун стерженларига фиксация қилинди (Ш.С.Гулямов усули).

